

## ОЛИМНИНГ ФАСОХАТИ

Умида Расулова

Проф.

Бадиий сўз қудрати, жарангини нозик ҳис қилиш, матн зимнидаги маъно товланишларни кашф этиш адабиётшуноснинг масъулиятини ортттиради. Ўзбекистондаги олимлар учун қадрли илм маскани бўлган Тил ва адабиёт институти маърифат майдони ҳисобланган. Фанда янгилик, ихтиро яратиш осон эмас, у қунту саботни, ҳалоллигу фидойиликни талаб этади. Илм толиби номзодлигу докторлик диссертациялари мавзуси белгиланишидан ҳимояга қадар жараёнга тайёрланиб боради. Йиллар давомида бу марказда олимлар илм заҳматини ҳис этиб, соҳанинг долзарб масалаларини назарий жиҳатдан ҳал этишга сазовор бўлганлар.

Ихтисослашган кенгашдаги ҳимоялар тил ва адабиёт соҳасидаги тадқиқотларнинг савиясини белгилаган. Заҳматли ва шарафли йўлни қисмат билиб, виждонан илмни қадрлаган тилшуносу адабиётшунослар бугун етук мутахассис сифатида маърифат улашмоқдалар. Зиё маскани хусусида мулоҳаза юритилса, Тўра Мирзаев, Наим Каримов, Баҳодир Саримсоқов, Бахтиёр Назаров, Иброҳим Ҳаққулов, Нўмон Раҳимжонов, Маматқул Жўраев каби олимлар номи ёдга олинади. Булар сийратидаги талабчанлик, масъуллик, холислик бугунги ёшлар учун ибрат бўлиши аниқ. Зеро, соҳа асрорини уккан, сунъийлик, сохталикдан ҳоли бўлган, олимлигу одамийликка риоя этган инсонгина доим элнинг ардоғида юради.

Нўмон Раҳимжонов бу даргоҳда самарали фаолият юритиб, кўплаб салоҳиятли ёшларга устозлик қилган. У лирик тур хусусиятини теран ўрганган, дoston поэтикасидаги ўзгаришларни тадқиқ этган адабиётшунос, мутаржим, бадиий сўз воситасида миллий турмуш тарзимизни ёритган ижодкор саналади. Нўмон Раҳимжонов Асқад Мухтор, Ҳалима Худойбердиева шеъриятини шахсияти билан уйғун тарзда кузатиб, шоирлар тахайюл, тасаввур кенгликларига нигоҳ ташлаган.

Нўмон Раҳимжоновнинг “Истиқлол ва бугунги адабиёт” монографиясида миллий маънавият тушунчаси шахс мақоми, қадриятга эҳтиром тарзида теранлашиб боради. Маънавият сарбонлари Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирийларнинг ҳаёт маслаги, ҳуррият орзуси жадиличлик ҳаракатининг бош мезонига айлангани аён бўлади. Олим тарихий мавзудаги асарлар моҳияти, подшоҳу маликалар мураккаб қисмати, саркардалар аҳкоми хусусидаги қарашларида мозий манзарасини қайта намоён этишга интилади. “Мунаққид эстетикасидаги гўзаллик концепцияси шундан иборатки, бадиий асар давр руҳини, миллат

маънавиятини, жамият онги-савиясини қанчалик тўқис мукаммаллаштириши, юксалтириши билан белгиланади". (79-б)

Нўъмон Раҳимжонов ижодкор тафаккур оламидаги ўзгаришлар, миллий истиқлол ғоялари талқини борасидаги қарашларини таҳлиллар билан асослаб боради. Миртемир, Шухрат, Мақсуд Шайхзода ижодига ёндашув уларнинг бадиий-эстетик тафаккурга қўшган ҳиссаси билан баҳоланади. Олим хассосшоир Рауф Парфининг китобхонга маълум бўлмаган қўлёзмаларини махсус ўрганиб, унинг биографиясига доир янги маълумотларни китобхонга ҳавола қилади. Рауф Парфининг бадиий ижодга, адабий жараёнга муносабати, туркий халқлар озодлиги хусусидаги қарашларига аҳамият қаратилади. Ижодкор таржимаи ҳолидаги ҳаётини ҳодисалар асарларидаги жозиб пейзажу тиниқ портретга асос бўлгани кўрсатилади. Адабиётшунос: "Рауф Парфининг поэтикмаданиятимиз тараққиётидаги ўрни, хизмати, аввало, бадиий тафаккурдаги стереотип-қотиб қолган тасаввур ва тушунчаларни синдирганлиги билан белгиланади",-дея эътироф этади.(205-б)

Хотира адабиётнинг етакчи шакли сифатида тарих ва тақдирлар, шахс ва жамият, ижод табиати ҳамда сўз санъати борасидаги мушоҳадакорликнинг етакчи кўриниши бўлиб қолаверади. Хотиралар халқимизнинг маънавий ҳаёти саҳифалари, она юрт иқболи, миллат истиқболи билан боғлиқ ёруғлик ҳисобланади. У тарихий ҳақиқатга, миллий мафкура асосларини мустаҳкамлашга дахлдорлиги билан эътиборга молик. Ўз даврининг руҳини тушуна билиш маданияти, маънавий қадриятни англата олиш санъати ижодкорнинг бош йўлидир.

Нўъмон Раҳимжонов "Жимжит жолалар" қиссасида оила маънавияти масаласини ўзгача ракурсда ёритиб беради. Асардаги боғ хронотопи бахту саодат маскани янглиғ рамзийлик касб этади. Уни барпо қилган оддий боғбон ота ҳикмати, қиз ва ўғилга ўғити зимнида оила пойдеворига ишора берилади. Моддий ва маънавий бойлик муқоясаси қизнинг фоже қисматида реаллашиб боради. Содда, меҳнаткаш ота фарзандларини, боғидаги гулларини тўғрилигу самимийлик суви ила парвариш қилганини сўқир қалблар англамайди. Асарда халқ донишмандлиги маҳсули мақолларнинг қаҳрамонлар чигал қисматига монандлиги, турфа синоатга уйғунлиги кузатилади. Она, ота, опанинг фано оламига рихлати йигитни йўлсизликка мубтало айлайди. Тушкунлик, яқинлардан маҳрумлик кимсани ўз домига маҳв этиб, маънисиз, мантиқсиз ҳаёт тарзига мослаб қўяди.

Муаллиф қиссада ҳар бир инсоннинг ўз куч-қудрати, ишончу маслагини асрамоғи муҳимлигини кўрсатиб беради. Ҳаёт зарбаларига дадил қаршилиқ кўрсатишда одам чекинмаслиги, меҳнат заҳматидан ҳайикмаслиги тарғиб

қилинади. Асарда турфа ранглар, мунгли оҳанглар қахрамонлар тийнатидаги руҳий тебранишларни ёритишга йўналтирилади.

Бадий сўзнинг эстетик таъсир кучи шундаки, у ифода гўзаллиги билан чекиниб қолмайди. Аксинча, у моҳиятан ҳаётдаги гўзалликнинг ўзи бўлиб қолади. Санъаткор кўзлаган муайян мақсадга эришишда бадий сўз гўзаллик тимсолига айланиб боради. Сўзнинг бадийлиги бу санъат асарларида акс эттирилган маънавий қадриятларни баҳоловчи, фалсафий эстетик қимматни белгиловчи мезондир

Нўмон Раҳимжоновнинг ижод сирлари, сўз салмоғи, бадий идрок ва ифода санъати, тасвир усулига оид тадқиқотлари адабий танқид соҳасини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Зукко олим ҳаёт ҳодисаларини теран кузатиб, фалсафий, эстетик қарашларини асарлари замирига сингдириб борган. Олимнинг олий маслағи ёшлар учун маёқ бўлиб қолаверади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. Т. Ўқитувчи. 2012
2. Umida, R. (2024). THE RELEVANCE OF RHYTHM IN PROSE FICTION. *Journal of Modern Educational Achievements*, 1(1), 288-294.
3. Rasulova, U. (2024). Poetic Research in Modern Story-Writing. *SPAST Reports*, 1(1).
4. Расулова, У. (2023). Ijodkor uslubi va badiiy mahorat. *Ўзбекистан: тили ва маданияти. Литературоведение.*, 1(1), 96-109.
5. Umida, R. (2021). Devotees of knowledge-a study. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 183-186.